

THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



ПИЛЛАКАШЛИКДА ПИЛЛА ХОМ АШЁСИНИ САҚЛАШ

Ш.А.Сулаймонов Доцент
А.А.Абдурахмонов тадқиқотчи
М.П.Сулаймонова тадқиқотчи
Андижон машинасозлик институти.

Республикамиз минтақада тўқимачилик саноати учун муҳим бўлган хом ашё – пахта, табий ипак, каноп, жун каби хом ашёларни етиштириш бўйича етакчи ўринни эгаллаб, иқтисодиётда муҳим ўрин тутади ва аҳолини зарур эҳтиёжини қондиришда катта роль ўйнайди. Бундан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулот саноатнинг бошқа соҳаларида техник мақсадларда фойдаланилади. Бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши, дунёда молиявий бўхрон вужудга келган бир даврда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиб, халқ истеъмоли маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, уларни сифатини ошириш, шунингдек, тўқимачилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини юқори даражага олиб чиқиш, ҳамда импорт товарларини ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш жуда муҳим аҳамият касб этади [1].

Жумладан, ипакчилик саноати — Ўзбекистон республикасининг йирик ишлаб чиқариш тармоқларидан бири бўлиб, дунёда пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бундан келиб чиқадики, бу тармоқ маҳсулоти мустақил Ўзбекистон учун йирик экспорт манбайнини вужудга келтиради.

Хукуматнинг мақсадли йўналтирилган бу дастурида Республикализм худудларида замонавий техникалар ва илғор технологияларга асосланган ипакчилик корхоналарини барпо этиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни камида 70 % экспорт қилиш вазифаси белгиланган.

Ҳозирда пиллакашлик корхоналарининг ишини узлуксиз таъминлаш учун пиллалар пиллакашлик корхона омборхоналарида сақланади. Ташқи кўринишдан бу оддий ҳолат ҳисоблансада, лекин технологик жараёнлар учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки пиллани сақлаш натижасида унга атроф-муҳит, метрологик шароитлар ва ҳар хил ҳашоратлар, турли хил бошқа омиллар таъсирида пилла қатlam структурасининг бузилиши ип қатламларининг шикастланиши, серициннинг эскириши содир бўлади. Тажрибаларда сақлаш муддати 11-12 ойдан ошганда, хом ипак чиқиши 6.5 % га,чувилувчанлик 7.1 % га камайиши кўрсатилган ва шу билан пиллани чувиш жараёнидаги лоснинг чиқиши 1.6 %, қазна чиқиши эса 1.3 % га кўпайиши

THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



аниқланган. Пиллани узоқ муддатда сақлаш натижасида унга ҳар ҳил ҳашоратлар ва кемирувчи ҳайвонлар таъсир қиласи. Терихўрларнинг пайдо бўлиши корхона атроф муҳитининг ифлослигидан келиб чиқади. Ҳозирда пиллакашлик корхона омборхоналарида пайдо бўлган пилла зааркунандаларидан бири An Aremus Slavipes номли терихўр ўрганилганда, бу терихўр овал шаклида бўлиб, танасида оқ, сариқ, қора доғлар бор. Улар пиллани бузигина қолмай балки, пилла ипак қурти ғумбагига ўтади ва уни кукунга айлантиради ҳамда вақт ўтиши билан пилла қобигига зиён етказади[2].

Пилла терихўрларнинг келиб чиқиши ва кўпайиши пиллачиликка катта зарар етказиб, улар фақат дастлабки ишлов бериш базаларида ва корхона омборхоналарида ҳосил бўлиши аниқланган. Терихўрлар ғумбакнинг чириган чиқитларида ёки нуқсонли пиллалар тозалаб олинган холларда, куш уяларида ва уларнинг чиқитларида ривожланади. Аниқланишича, терихўрларнинг 11 таси текширилиб кўрилганда Dermester Yandarius, O.masulatus ва Srischie номлилари пиллачилик учун айниқса хафли ҳисобланади. Dermester турига оид қуртлар бино ва сўқичакларнинг ёғоч қисмларини емириб, ўзига йўл очади ва уя куради. У ерда олдин ғумбакка, сўнгра қўнғизга айланиб учиб кетади. Куртхоналарнинг бино бетон ва охакли қисмлари ичига кемириб кирган ҳоллари ҳам аниқланган[3].

Пиллачилик ва пиллакашликда пиллаларни зааркунандалардан ҳимоя қилиш учун, энг аввало, ҳимояловчи муассасалар ва пилла тайёрлов пунктларида янги ҳосил қабул қилишдан олдин [4] омбор ва ёпиқлар таъмирланиб, тешик ва ёриқлар ёпилиши керак. Пилла сақланадиган барча жойлар, атроф - муҳит майдонлари 80 % ли техник хлорофос билан (1.9-2.3 гр/м²) ёки 50 % ли кимёвий эритма карбоксил (1.5-2 гр/м²) ёки 50 % ли кимёвий эритмалари билан дезинфекция қилиниши керак. Лекин бу эритмалар маҳсус механик жиҳозланган станокларда тайёрланиши, ОХВ – 14 ёки ОВХ – 28, ЭВС – 3 кўл пуркагичларда эритма тайёрланган кунда пиллага ишлов берилиши керак. Айниқса, ҳозирги кунда бу кимёвий препаратларнинг камёблиги туфайли, яъни четдан келтирилишини инобатта олиб, бу борада бажариладиган ишлар қилинмасдан қолиб кетмоқда[5].

Илмий маълумотларга кўра, агар модда таркибида амино гурухи бўлса, қобикхўр қўнғиз бундай моддаларни емаслиги аниқланган.

Илмий тадқиқот ишимизда пиллаларни турли зааркунандалардан сақлаш мақсадида “Биокимё” заводи чиқиндилари (бардо ва сивуш мойи)ни, лаборатория шароитида синтезлаб олинган сирт фаол модда (СФМ) дан

THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



фойдаландик. Тайёрланган СФМ пилланинг таркибидаги моддаларга яқин гидроксил, карбоксил гурппалари мавжуд. Модданинг муҳити нейтрал бўлиб, заҳарли эмас, шу билан бирга модданинг таркибида қобиқхўр қўнғизлар ва ҳашоратлар емайдиган амино гурухлари мавжуд. Пиллакашлик корхонасида ишлайдиган ишчилар соғлиғига салбий таъсир кўрсатмайди[2].

Тажрибалар Андижон вилояти Олтинқўл тумани бош пиллахонасида олиб борилди. Пиллага дастлабки ишлов беришдан олдин янги кимёвий препарат (СФМ) лар билан пиллани модификация қилиб технологик жараёндан ўтказилди. Қуритилган пиллалар 30 кг дан қилиб каноп (ровендух) қопларга жойланиб, пиллакашлик корхонаси омборхоналарига сақлаш учун юборилди.

Тажриба учун юборилган пиллалар Андижон шаҳар “Ипакчи” масъулияти чекланган жамият пиллакашлик корхона омборхоналарида 11-12 ой сақланди. Тадқиқот натижасида назоратга нисбатан солиштирилганда тажриба варианларида пиллани кимёвий препаратлар таъсирида қобиқхўр қўнғизлардан заарланиши 60-67 % кам бўлганлиги аниқланди.

Кимёвий препарат (СФМ) лар билан ишлов берилган пиллаларни кварталлар бўйича сақлаб 5 кг дан қилиб чувиб кўрилганда, назоратдаги пиллаларга нисбатан модификация қилиш ҳисобига пилланинг чувилишини 1.2 – 1.9 % оширишга эришилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Биокимё” заводи чиқиндилари-бардо қолдиқ фракцияси ва сивуш мойи асосида синтезлаб олинган янги СФМлар билан дастлабки ишлов бериш технологик жараёнидан олдин пиллани модификация қилиш уни сақлашда нуқсон ҳосил қилувчи омилларни камайтириради.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. R Alisher, S Sharifjon, R Akmal Study of the Influence of Silkworm Feeding Conditions on the Quality of Cocoons and Properties of the Cocoon Shell. J. Engineering, Scienntific Reserch Publishing №11 2019. 755-758 p.
2. Sulaymanov Sh. A. Primenenie khimicheskikh preparatov, izgotovlennyx iz otkhodov biokhimicheskogo zavoda pri proizvodstve kokonov // Bulletin of science and practice. 2019. T. 5.№3. S. 168-172. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/40/22>.
3. <https://www.oeko-tex.com/en/about-us/references/manufacturer-references>
4. P.R.Ismatullaev, Sh.A.Toraev, O.Adilov, B.Kh.Ismoilov "Importance of GlobalGAP compliance in ensuring the quality and safety of Uzbek agricultural products" "STANDARD" scientific and technical journal 2011.

THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



5. B.S. Mapdiev Development process of the quality management system.// "Science and Education" Scientific Journal, November 2020 / Volume 1 Issue 8. – 594-599
6. B.D.Yucupov, A.A.Djumanov, O.I.Coatov, Sh.A.Topaev, "Organization of quality management in Agpocanoat complex kopkhonalapida" training manual// Tashkent, 2011.
7. V.M. Mishin Uppavlenie kachectvom. Textbook. // M.: UNIT-DANA, 2005. – 463 c.
8. Halmatov Musliddin Muhammatovich Ismoilxodjayev Bokhodixodja Sharibxodjae Sulaymonov Sharifjon Abdumanabovich, L. S. (2019). The Influence of Harmful Substances on the Pigments of Leaves of Decorative Trees. *Annual Research & Review in Biology*, 1-5.